

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 338+658:3

САТТОРОВ МИРВАЛИ АСЛИДДИНОВИЧ

**САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ
РОЛИНИ ОШИРИШ**

5A230102 - Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.д., проф. Б.Салимов**

Тошкент – 2020

Магистрлик диссертация ишида куйидаги асосий масалалар ҳал этилди: саноат тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш ва унда тижорат банкларининг ролини оширишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилди; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларини жалб этиш ҳолати аниқланди. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини оширишга қўмаклашади.

In the master's dissertation the following main issues were solved: the theoretical and methodological bases of development of small business in industrial branches and increase of a role of commercial banks in it are studied; the status of attracting loans from commercial banks in support of small business and private entrepreneurship was identified. The practical application of scientific proposals and practical recommendations developed in the course of research will help to increase the role of commercial banks in supporting small businesses.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.


_____ сонли баённома « _____ » _____ 2020 й.

Илмий раҳбар: проф. Б.Салимов



ИМЗО сана

Магистр: М.Сатторов



ИМЗО сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси

муздари, доц. И.Хотамов _____

“ _____ ” май 2020 йил

Ҳимоя 2020 йил “ _____ ” _____ соат _____ да Тошкент давлат иқтисодиёт
университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш.....	4
I Боб.	Саноат тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	11
1.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари.....	11
1.2.	Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари орқали молиялаштиришнинг назарий ва услубий асослари.....	21
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	31
II Боб.	Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уни молиялаштириш ҳолати (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамияти мисолида).....	32
2.1.	Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кўрсаткичлари таҳлили.....	32
2.2.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамияти фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	50
2.3.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки акциядорлик жамияти томонидан саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш ҳолати таҳлили.....	56
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	62
III Боб.	Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари.....	63
3.1.	Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўналишлари.....	63
3.2.	Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг ролини ошириш йўллари.....	68
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	74
	Хулоса ва таклифлар.....	75
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	78

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодиётини янада барқарор ривожлантириш ва ўзгартириш учун амалга оширилаётган вазифалардан энг муҳими, давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган банк тизимини ривожлантиришдан иборат. Жаҳон талабига тўлиқ жавоб берадиган саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини банкларнинг молиялаштириш сиёсати орқали қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларидан самарали фойдаланиш муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрларни яъни, *“Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди”* дея таъкидлаб ўтган¹.

Дунё давлатлари тажрибасига назар соладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида илмий тадқиқотлар изчил амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этади. «Халқаро кичик бизнес Кенгаши (ICSB) маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг 90% дан ортиғини, иш билан банд бўлганларнинг 60-70% ни, ялпи ички маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади².

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 25 январь, 2020 йил.

² MSME Day 2019. <http://www.intracen.org/MSME4day/2019>.